

ISSN 2072-0297

МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ



51 2022
ЧАСТЬ VIII

16+

Курбанова Н. Б. Образное сравнение как объект лингвокультурологического анализа (на материале испанского языка)	613
Султонова У. Формирование лингвистической компетенции студентов при обучении иностранному языку	616

ПРОЧЕЕ

Будьякова А. С. Услуги размещения для организованных групп туристов	618
Кайкова А. С. Состояние отечественной книжной иллюстрации на сегодняшний день	620
Ковальская Д. А. Характеристика и особенности спа-услуг как дополнительных услуг в гостиничных комплексах	624

Осипов В. Ю. Современные методы прогнозирования, мониторинга и профилактики лесных пожаров	626
Осипов В. Ю. Комплексная модель мониторинга лесных пожаров	629

МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ
O'ZBEKISTON

Zakirova S. A. German tillari grammatikasini o'qitishning umumnazariy masalalari	632
Искандарова Г. Т., Курбанова Ш. И., Калбаева У. Ш., Курбанова Ш. И., Калбаева У. Ш. Шифокор стоматологларнинг юрак қон-томир тизимида функционал ҳолатни гигиеник баҳолаш	634

e'tiborga olmasak, unda X. Svit va O. Yespersonlar kabi ravishni, predlogni, bog'lovchini undov so'zlarni va yuklamani bir sinfga yoki guruhga birlashtirishga to'g'ri keladi. X. Suit ot, sifat, son, fe'l va yuklamalarni o'z davrida zamonaviy ingliz tili so'zlarining alohida guruhlariga kiritgan. O. Yesperson esa substansiya, sifat, fe'l, olmosh va yuklamalarni ham shu guruhlariga kiritgan.

So'z turkumlari (notional words — mustaqil so'zlar) va yuklamalar (semi- notional words) o'rtasidagi farq bir necha yillar mobaynida rus tilshunoslari tomonidan birikuvchi so'zlar (combinations of words) dan so'z birikmalari (word-combinations) ni farqlash uchun qo'llanib kelindi. So'z birikmasi (word-combination) iborasi tor ma'noli bo'lib, faqat kamida ikkita ma'noli so'zlarni o'z ichiga olishi darkor. Shunday qilib, on the table so'zlar birikuvchi (combination of words) hisoblanadi,

lekin so'z birikmasi (wordcombination) emas, chunki bu yerda faqat bitta mustaqil leksik ma'noli so'z — table bor.

So'z turkumlari tizimi tarixan o'zgaruvchidir, til rivojlangan sari yangi so'z turkumi shakllanib, tilga kirib kelavergan. Eski ingliz tilida holat kategoriyasi, artikllar, modal so'zlar yo'q bo'lgan, biroq yangi ingliz tilida bular o'z o'rnini topgan.

Biror tilda qancha so'z turkumlarini aniqlamaylik, baribir lug'at tarkibi muammosi esa undan kam emas. Grammatikada leksemalar kichik qiyosiy bir nechta leksik-grammatik guruhlari — so'z turkumlariga yoki qismlariga bo'linadi.

Biror so'z turkumi odatda kichik leksik-grammatik guruhchalarga bo'linishi ham mumkin. Bu kichik bo'linish so'z turkumlarini ajratib turishga xizmat qiladigan o'sha bir xil tamoyillarga asoslanishi mumkin.

Adabiyot:

1. Аксененко И. Предлоги английского языка — М., 1956, 210 с.
2. Аполова М. А. Specific English — М., Меж. отн. 1977, 190 с.
3. Абдуазизов А. А. О составных частях когнитивной лингвистики // Хорижий филология. — Самарканд: СамГИИЯ, 2007. — № 3 (24). — С. 5–6.
4. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. — М.: Высшая школа, 1983. — 267 с.
5. Демянков В. З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. 1994.

Шифокор стоматологларнинг юрак қон-томир тизимида функционал ҳолатни гигиеник баҳолаш

Искандарова Гузал Тулкиновна, тиббиёт фанлари доктори, профессор;

Курбанова Шахноза Иркиновна, тиббиёт фанлари номзоди, доцент;

Калбаева Улбосин Шинибай қизи, магистратура талабаси

Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)

Маълумки, юрак қон-томир тизими организмдаги хилма хил жараёнларга таъсир этади ва шу билан бирга барча орган ва тўқималарни қон билан таъминлайди.

Калит сўзлар: меҳнат физиологияси, шифокор стоматолог, пульс, артериал босим, юракнинг зарбалик ҳажми, қоннинг дақиқалик ҳажми.

Гигиеническая оценка функционального состояния сердечно-сосудистой системы врачей-стоматологов

Искандарова Гузал Тулкиновна, доктор медицинских наук, профессор, зав. кафедрой;

Курбанова Шахноза Иркиновна, кандидат медицинских наук, доцент;

Калбаева Улбосин Шинибай кизи, студент магистратуры

Ташкентская медицинская академия (Узбекистан)

Известно, что сердечно-сосудистая система тончайшем образом реагирует на самые разнообразные процессы в организме, тем самым, обеспечивает кровоснабжением все органы и ткани.

Ключевые слова: физиология труда, врач стоматолог, пульс, артериальное давление, ударный объём крови, минутный объём крови.

Меҳнат физиологияси — меҳнатни ташкил этишининг физиологик асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқариш фаолияти ва меҳнат жараёнининг таъсири натижасида инсон танасининг функционал ҳолатидаги ўзгаришларни ўрганадиган тиббиёт фанлари ва амалиёт соҳаси бўлиб чарчашнинг олдини олишга ёрдам берадиган, физиологик жараёнларнинг нормаллашишини таъминлайдиган ва юқори даражадаги ишлашни таъминлайдиган жараён ҳисобланади. Меҳнат физиологияси жисмоний ва ақлий меҳнат фаолиятининг ҳар хил турларини физиологик қўллаб-қувватлаш хусусиятларини ўрганиш, динамик ўзгаришларнинг хусусиятларини олдиндан белгилаб берувчи физиологик механизмларни аниқлаш, инсон фаолиятининг етакчи кўрсаткичлари томонидан баҳолаш имконини беради [1, 3]. Стоматологияда психоэмоционал стресс муаммоси муҳим ва ўрганилиши қийин физиологик омиллардан бири ҳисобланади. Психоэмоционал зўриқиш асаб ва юрак қон-томирида ўзгаришлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Қўрқув ва ташвиш каби хис- туйғулар барча тизимларнинг функцияларига таъсир этади ва организмда вегетатив реакциялар ҳосил бўлишига олиб келади ва шу билан бирга юрак қон-томир фаолиятида ўзгаришлар келтириб чиқаради [2, 4].

Текширишдан мақсад: Иш куни динамикасида шифокор стоматологларнинг организмдаги функционал ҳолатни физиологик ўзгаришларини ўрганиш ва чарчашни олдини олишга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқиш.

Материал ва усуллар: Физиологик текширувлар ўтказиш учун соғлом ва текширув натижаларини баҳолашда ҳеч қандай хатоликка йўл қўймайдиган касаллик аломатлари кузатилмаган ҳар бир гуруҳда 10 тадан ишчилар танлаб олинган. Текширувлар иш куни динамикасида (ишдан аввал, тушлиқдан аввал ва иш куни охирида) йилнинг илиқ ва совуқ даврларида ўтказилди.

Юрак қон-томир тизимидаги функционал ҳолатлар, юракнинг уриш частотаси (пайпаслаш усули ва пульсатохометр асбоби ёрдамида), тонометрия (Коротков усулида) систолик, диастолик ва пульс босимлари аниқланди. Старр формуласи орқали юракнинг зарбалик ва қоннинг дақиқалик ҳажми ҳисоблаб топилди.

$$ЮЗХ = 100 + 0,5 СБ - 1,1 ДБ - 0,6 Ё$$

$$ҚДХ = ЮЗХ * ПЧ$$

Бунда:

ЮЗХ — юракнинг зарбалик ҳажми;

СБ ва ДБ — систолик ва диастолик босим, мм сим. уст.;

Ё — ишчининг ёши, йилларда;

ҚДХ — қоннинг дақиқалик ҳажми мл;

ПЧ — пульс частотаси минутларда.

Олинган натижалар: Биз томондан шифокор стоматологларда йилнинг илиқ ва совуқ даврлари учун организмнинг функционал ҳолати ўрганилди. Текширувлар иш

куни динамикасида ишдан аввал, иш куни давомида, иш куни охирида ўтказилди.

Юрак қон-томир тизими организмдаги ҳар хил жараёнларга таъсирчан бўлади, шу билан бир қаторда организмдаги барча орган ва тўқималарни қон билан таъминлайди. Шунинг учун, ҳар хил ишлаб чиқариш омиллари ишловчилар организмга биргаликдаги таъсири натижасида юрак қон-томир тизимининг ҳолати ўзгармай қолмайди: шовқин, тебраниш, кимёвий омиллар, «турган» ва «ўтирган» ҳолатдаги иш ҳолати, бутун иш сменасидаги ҳаракат, иш операцияларни юқори темпда бажарилиши ва бошқалардир.

Йилнинг илиқ иқлим шароитида шифокор стоматологларнинг юрак қон-томир тизими кўрсаткичлари ҳақидаги олинган маълумотлар шуни таъкитлайди-ки йилнинг илиқ даврида иш куни мобайнида пульс частотаси ва пульс босими ошганлиги аниқланди. Бу организмда юрак қон-томир тизимидаги функционал захираларни мобилизация қилишини таъминланганлигидан далолат беради. Иш куни охирида терапевт стоматологларнинг иш жойларида пульс $85 \pm 1,22$ га ортган, ортопед стоматологларнинг иш жойларида дақиқасига $84 \pm 1,62$ га, хирург стоматологларнинг иш жойларида эса дақиқасига $82 \pm 1,43$ га ортганлиги, шу билан бир қаторда хирург стоматологларнинг максимал босимнинг $116 \pm 0,43$ мм см. уст. дан $120 \pm 0,71$ мм см. уст. га ортганлиги ва минимал босимнинг $75 \pm 1,43$ мм см. уст. дан $72 \pm 1,08$ мм см. уст. га камайганлиги кузатилди. Юракнинг зарбалик ва қоннинг дақиқалик ҳажми иш куни динамикасида ўрганилганда қуйидаги натижаларни берди: юракнинг зарбалик ҳажми терапевт стоматологларнинг иш жойларида $58 \pm 0,40$ мл, қоннинг дақиқалик ҳажми дақиқасига $4556 \pm 109,6$ мл ни, ортопед стоматологларнинг иш жойларида эса юракнинг зарбалик ҳажми $61 \pm 0,99$ мл дан $66 \pm 1,12$ мл га ошганлиги ва қоннинг дақиқалик ҳажми иш куни охирида дақиқасига $5342 \pm 112,5$ мл га ошганлиги, хирург стоматологларда юракнинг зарбалик ҳажми $64 \pm 0,73$ мл га қоннинг дақиқалик ҳажми $5208 \pm 94,6$ мл га ошганлиги аниқланди.

Юрак қон-томир тизими, худди шу гуруҳ ишловчиларида йилнинг совуқ даври учун, худди шу касб эгаларида пульснинг тезлашиши кузатилди.

Таъкидлаш жоиз-ки, йилнинг совуқ даврида йилнинг илиқ даврига нисбатан терапевт стоматологларнинг ва ортопед стоматологларнинг пульс частотаси ва пульс босимидаги ўзгаришлар иш куни давомида нисбатан кам ўзгарганлиги аниқланди.

Хулоса: Айтиш жоизки, биз ўрганаётган касб ходимларида юрак қон-томир тизимининг таҳлил натижалари пульснинг ортишига, юракнинг зарбалик ва дақиқалик ҳажмининг ошишига, пульс босимининг камайишига максимал артериал босимнинг ортишига ва минимал артериал босимни камайишига олиб келди.

Адабиёт:

1. Барышева Л. М., Воронина Л. А., Левин М. Я. Физиологическая характеристика труда стоматологов // Гигиена труда и проф. заболевания. — 1981. — № 6. — С. 19–21.
2. Бескакотова Н. В. Влияние гигиенических факторов производственной среды на развитие утомляемости у врачей стоматологов / Н. В. Бескакотова, Е. Н. Срабуева, С. Р. Жакеновой // Карагандинская государственная медицинская академия. — 2006. — № 17–38 с.
3. Вялков А. И. О состоянии стоматологии на современном этапе / А. И. Вялков, В. К. Деонтьев // Стоматология. — 1999. — № 2. — С. 44–42
4. Катаева В. А. Сравнительная физиолого-гигиеническая характеристика труда стоматолога / В. А. Катаева, Г. В. Алимов // Стоматология. — 1990. — Т. 69. — № 3. — С. 79–80.